



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ
ТАДБИРЛАРИ УШБУ ЭЗГУ ҲОЯ
АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
12 июль,
шанба

Mahalla

№56
(2280)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

“Еттилик” ёшлар билан тизимли, мақсадли ва манзилли ишлари лозим!



Наманган,
Андижон
ва Фарғона
вилоятларида
ёшлар
масалалари
борасида олиб
борилаётган
ишлар ҳолати
ўрганилди.

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати масъуллари қатнашди.

Ўрганишлар давомида “оғир” тоифадаги ёшларнинг бандлигини таъминлаш, оталикка олинганларни соғломлаштириш, тадбиркорликка жалб этиш, жино-

ятчилиқнинг олдини олиш ҳамда “Долзарб 90 кун” доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати таҳлил қилинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб, уларнинг таклиф ва ташаббусларини эшитди, мавжуд муаммоларга амалий ёрдам бериш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko‘zgusi” журнаliga 2026 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ
МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР
ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА ТЕЗКОР
АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ! МАҲАЛЛАНИ “Mahalla”СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...

Обунани ташкил
этиш бўйича
Оммавий оферта
(шартнома)
билан
газетамизнинг
6-саҳифасида
танишасиз!

МУРОЖААТ УЧУН
ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89,
71 233-10-92



ЯНГИ РЕЖАЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАДИ

Президент
Шавкат Мирзиёев
10 июль куни Тошкент
шаҳридаги бунёдкорлик
ишлари, аҳолининг
турмуш шароити, sanoat
корхоналари фаолияти
билан танишди.

Бу сафарги йўналиш
Шайхонтоҳур ва Чилонзор
туманларини қамраб олди.
Уларни бунёдкор кўчаси боғлаб
туради. Ушбу марказий кўчада
санъат ва маданият масканлари,
турли идоралар, кўп қаватли
уйлар, супермаркет ва ресторан-

лар жойлашган. Бу салоҳиятдан
фойдаланиб, унинг 1,5 километр
қисми хизмат кўрсатиш ва гастро-
туризм кўчасига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга
бу ердаги шароитларни кўздан
кечирди.

Кўчага ёндош ҳудуддаги
“Камолон”, “Янги Камолон” ва “Ка-

молон дарвоза” маҳаллаларида
18 мингга яқин аҳоли яшайди.
Бу ўзгаришлар, аввало, шу инсон-
лар турмушида сезилади. Қола-
верса, ҳозир бу жойга йилига
255 минг меҳмон ташриф бу-
юрмоқда. Энди уларнинг сони
йилига 1 миллионга етказилади.

Давоми 2-саҳифада.

ҲОЛАТ

ҲАР БИР МАҲАЛЛА “ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД”ГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллада жиноятчи-
ликни жиловлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш
чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг
“2025 йилда республика
маҳаллаларида хавфсиз муҳит-
ни яратиш ва ҳуқуқбузарли-
кларнинг барвақт олдини олиш
тизими самарадорлигини янада
ошириш бўйича чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарорига кўра, ҳар
бир маҳаллада ҳуқуқбузарли-
кларнинг барвақт олдини олиш
устувор вазифа этиб белгиланди
ҳамда криминоген вазияти оғир
маҳаллаларга масъул раҳбарлар
номма-ном бириктирилди.

Ўтган олти ойда ҳар бир
вилоят, туман ва маҳалла бўйича
манзилли “йўл хариталари” асо-
сида ижтимоий профилактиканинг
самарали тизими йўлга қўйил-
ди, жамоат жойларини рақам-
лаштириш қамрови оширилди,

ҳуқуқ-тартибот олийгоҳлари томо-
нидан илмий-амалий ўрганиш-
лар ўтказилди. Алоҳида эътибор
вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар
ва оила-турмуш муносабатлари
доирасидаги жиноятчиликни жи-
ловлашга қаратилди. Бунинг нати-
жасида 5 минг 200 та маҳаллада
бирорта ҳам жиноят бўлмади.

Лекин бу борада криминоген
вазияти оғир маҳаллалар ҳали
ҳам бор. Профилактика инспек-
торлари, тезкор-қидирув, пат-
руль-пост ва кўриклаш хизмати
фаолиятини кучайтириб, аҳоли
хавфсизлигини жойларда таъмин-
лаш шартлиги қайд этилди. Бутун
тизим паства туширилиб, ҳар бир
маҳалла “жиноятчиликдан холи
ҳудуд”га айлантирилади.

Давоми 6-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Шароит имкониятга мос бўлса, сайёҳлар оқими ортарди...

“Дам олиш кунлари сайёҳлар сони
3-4 баробар кўп бўлади. Лекин
уларни қабул қилиш имкониятимиз
чекланган. Маҳалла ҳудудидаги
ўрмон хўжалиги ерлари аукцион
орқали фуқароларга сотилса, янги
иш ўринлари яратиларди”.

3-с.

Она бўлиш — меҳнат ҳуқуқидан воз кечиш дегани эмас

Бола тарбияси — ҳаётдаги энг
масъулиятли иш. Ҳар куни уйдаги
юмушга ҳам, ишда топшириққа ҳам
улгуришга мажбур бўлган оналар бу
оғирликни фақат юрагида кўтаради.
Айниқса, икки ёшга тўлмаган
фарзанди бор аёллар...

4-с.

“Миннатдорлик кайфиятидан чарчоқларим унут бўлади”

“Маҳалланинг нақадар қадрли
маскан эканини ижтимоий ходим
сифатида иш бошлаганимдан
кейин тушуниб етдим. Авваллари
одамларнинг бир-бирига ғамхўрлик
қилиши, саховатпеша инсонларнинг
кўплигини билмаган эканман”.

7-с.





Давлатимиз раҳбари Тошкент ва Янги Тошкент шаҳри учун “ЕЧИМЛАР АТЛАСИ” ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Ўзбекистон Ҳукумати ва Франция Ҳукумати ўртасидаги РЕАДМИССИЯ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ тасдиқланди.



ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

ЖАРАЁН

Янги режалар янги марраларга қанот бўлади

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳаллалардаги муаммоларни бартараф этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Муҳаммадамин ЭРҒАШЕВ, Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Камолон” маҳалласи раиси.

Хусусан, қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл инфратузилмаси, коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этишга эътибор ортди. Ислохотлар “нафаси” ҳар бир ҳудудга кириб борапти.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш шароити, sanoat корхоналари фаолияти билан танишиш жараёнида маҳалламизга ташриф буюрди.

Фаоллар, нуронийлар, ёшлар ва ҳудуд мутасаддилари билан суҳбатлашди. Ташрифдан барчамиз жуда мамнун бўлдик. Маҳалламизни янада обод, одамларни рози қилиш учун нималарга аҳамият қаратишимиз лозимлиги ҳақида топириқлар



олдик.

Дарҳақиқат, ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўп қаватли уйлар, дўконлар, фуқаролар йиғини биноси замонавий қиёфага эга. Ички йўллар текисланиб, атрофи кўкал-амзорлаштирилган. Сўлим сайилгоҳ ва пиёдалар йўлаги, нуронийлар оромгоҳи, спорт ва болалар майдончалари барпо этилган.

Ҳудудда 4 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайди. 60 дан ортиқ савдо ва хиз-

мат кўрсатиш шохобчаларида маҳалла ёшлари иш билан банд. Бу йил хунармандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойхона ташкил этилди, хусусий тиббиёт пункти очилди. Натижада маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди.

Шайхонтоҳурда хунармандчилик азалдан бўлган. Бугун ҳам туманда одамларни иш билан, даромад билан таъминлашда бу катта манба. Шунинг учун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича янги чора-тадбирлар режа-

сини қабул қилиш лозимлиги таъкидланди.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла инспектори хонасида ситуацион марказ ташкил этилган. Унга кўп қаватли уйларнинг йўлақларидаги кузатув камералари ва ички ишлар тизимининг хавфсизлик дастурлари боғланган. Бу йил маҳаллада биронта ҳам жиноят бўлмади.

“Янги Камолон” бошқарув сервис компанияси маҳалладаги 21 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Усталар ва

махсус техникалар доим шай ҳолатда. Ҳисоб-китобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Бу йил марказий ис-сиқлик қувурлари изоляция қилинди, электр тармоқлари ва уйларнинг йўлақлари таъмирланди. Айрим уйларга янги лифтлар ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга келгусида бошқарув сервис компанияси биноларини кўп қаватли қилиб қуриб, ёшлар учун касб-хунар ўқувлари, маиший хизмат шохобчаларини жойлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бу ердагидек кичик кутубхоналарни бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳалла айвонида аҳоли билан самимий суҳбат бўлди.

— Сўнгги йилларда кўп корхоналар очилди, иқтисодиёт ўсаяпти. Шу билан бирга, ёшларимиз ҳам етишиш келяпти. Уларнинг таълим-тарбияси, соғлиги, иш ўринларини ҳозирдан ўйлашимиз керак. Шунинг учун бу йил Тошкент шаҳрига 8 миллиард доллар инвестиция олиб келяпмиз. Бунинг ҳисобидан Шайхонтоҳурда ҳам янги-янги иш жойлари, таълим масканлари, инфратузилма иншоотлари бўлади, — деди Президент.

Нуроний отахон ва онахонлар юртимиздаги ўзгаришлардан хурсандлигини таъкидлаб, халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилди. Кекса ва ёш бу ташрифидан осмон қадар рухланди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Собиржон НАБИЕВ. Учқўрғон тумани:

— Қонунчиликда кўп йиллик иш стажу учун бериладиган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили бериш назарда тутилган. Унга кўра, маҳалла раислари ҳам қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эгами?



МАҲАЛЛА РАИСИ ҚЎШИМЧА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Акмал ОЧИЛОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Бу масалага Меҳнат кодексига жавоб берилган. Ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилиши белгиланган.

Меҳнат кодексининг 226-моддасига асосан, ҳар йилги асосий меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажу жумласига қуйидагилар киритилмайди:

- ходим узрли сабабларсиз ишда бўлмаган вақт;
- ходим ишдан четлаштирилган даврлар, бундан ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- ушбу Кодекс 405-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган болани парваришлаш учун бериладиган таътиллار вақти.

Зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларидаги, шунингдек, ноқулай табиий-иклим шароитларидаги иш учун ҳар йилги қўшимча меҳнат таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига фақат мазкур шароитларда ҳақиқатда ишлаб берилган вақт киритилади.

Масалан, ходим ташкилотда 3 йил ишлади ва 2 йил бола парваришлаш таътилида бўлди. Бу ходимга қўшимча 2 кунлик таътил бериб бўлмайди. Чунки, кодекснинг 226-моддасида болани парваришлаш учун бериладиган таътиллار вақти меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажу жумласига киритилмаган.

Юқоридаги талабларга кўра, агар маҳалла раислари ҳам бу лавозимда 5 йил ишласа, қўшимча меҳнат таътили олса бўлади.

ТАЖРИБА

Раис адабиётни севса, маърифат улашади

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги бир маҳаллага таниқли шоир Чустийнинг номи берилган. Мазкур маҳаллада турли йилларда раис бўлиб ишлаган кишиларни биламан. Аммо уларнинг айримлари Чустий китобларини ҳатто ўқимаган эдилар...



Комил ЖУМАНИЁЗОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Раисликка янги сайланган Соҳиб Мирзаев улардан фарқли равишда мени хурсанд қилди. Илк иш куниданоқ, менга хурожаат қилиб, “Сиз шоирсиз. Чустий ижодини тузук англайсиз. Шу тўғрисида маълумот беринг”, — деганда адабиётга қизиқишини пайқаб, қувондим. Ахир маҳалла етакчиси китобга, адабиётга, шеърятга ошно бўлса, ёмонми?! Бундай раислар маърифат, маънавият улашади, зиё таркатади.

Соҳибжонга Чустий ижодидан бир-икки намуна ўқиб бердим. Кейин шоир таржимаи ҳолига оид маълумотлар билан ўртоқлашдим:

— 1904 йилда Чуст шахрида туғилган. 1939 йилда Тошкент шаҳрига ишга таълиф қилинган. Асл исм-шарифи — Набиҳон Хўжаев. Тўғилиб ўсган шаҳрининг номини тахаллус сифатида танлаган. Чустий домла 1983 йилда дунёдан ўтган. Муқимий театрида директор бўлиб ишлаганида актёрлар орасида доврүк таратган.

— Шундай машҳур инсонни ҳозирги

ёшлар унчалик танимайди. Маърифий тадбирлар ўтказишимиз керак экан бу ҳақда.

Соҳиб Мирзаев маҳалла раиси вазифасида иш бошлаганига эндигина тўрт ой бўлди. Шу қисқа вақт оралиғида кўплаб тадбирларни амалга оширди. Жумладан, маҳаллага кираверишда янги бетон устуналар ва тунги чироқлар ўрнатилди. Бир неча йиллардан бери қаровсиз аҳволда ётган еттита кўп қаватли уйнинг том қисми қайта таъмирланди. Бунинг учун “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига таклиф киритилди.

Маҳалла ҳудудига 2 500 тадан зиёд гул ва кўчатлар экилди. Наврўз байрамида саховатпеша инсонлар ва тадбиркорлар кўмағида кам таъминланган оила-ларга, қарияларга ёрдам кўрсатилди. 1 июнь — Болалар кўни қиёфага кирапти. Маҳалла ҳудудига ҳам беморлар ҳолидан хабар олинди. Айни кунларда ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатувчи 14-оилавий поликлиника филиали янги қиёфага кирапти.

Қисқаси, бугун бу манзилга ким келса ҳам, файзу тароватдан, озодаликдан бахри дили очилади. Хамжихатликда қилинган ишлар натижасида “Намунали маҳалла” дея эътироф этилди.

“ЕТТИЛИК” ЁШЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ, МАҚСАДЛИ ВА МАНЗИЛЛИ ИШЛАШИ ЛОЗИМ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Республика ишчи гуруҳи аъзолари Уйчи туманидаги “Қумтепа” маҳалласида “еттилик” вакиллари, аҳоли билан учрашув ўтказди.

Учрашув давомида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, фуқаролар билан ишлаш сифати, ёшлар бандлиги, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва инфратузилма ҳолатини яхшилаш каби долзарб йўналишлар муҳокама қилиниб, уларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Қаҳрамон Қуронбоев мулоқотда маҳалла институтининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ҳар бир “маҳалла еттилиги” аъзоси — раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, профилактика ва солиқ инспекторлари фаолиятини янада тизимли ташкил этиш бўйича тавсия ва топириқлар берилди.

Қолаверса, “еттилик” аъзоларига маҳалла ижтимоий-иқтисодий ривожига фаол ҳисса қўшиш, аҳоли билан доимий мулоқот олиб бориш, муаммоларни аниқлаб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Учрашув якунида иштирокчилардан келиб тушган таклиф ва фикрлар асосида аниқ чора-тадбирлар белгилан олинди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ХОНАДОНЛАРГА ИЧИМЛИК СУВ ТАРМОҒИ ТОРТИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ташаббуси билан Олтиариқ туманидаги “Қизилтепа” маҳалласида “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

— “Қизилтепа” фуқаролар йиғини вилоятдаги 99 та оғир тоифадаги маҳаллалар қаторида танлаб олинган, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи А.Зиёвдидинов. — Боиси ҳолат ўрганилганда, бир қатор муаммолар аниқланганди. Жумладан, ичимлик сув тармоғи мавжуд эмас эди.

“Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида узоқ йиллик муаммага ечим топилди. Ҳудудга сув минораси қурилди. Тармоқ тортилиб, хонадонларга оби-ҳаёт кириб бориши таъминланди. Ҳашар йўли билан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Қолаверса, вақтинча ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан тадбиркорлар билан мулоқот ўтказилди. Маҳаллани ишсизликдан холи ҳудудга айланатириш бўйича режа ишлаб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими масъуллари, “маҳалла еттилиги” ходимлари, фаоллар иштирок этди.



“Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



2024 йилда ўзбекистонликлар “ШЕНГЕН ВИЗАСИ” учун 58 мингдан ортиқ ариза топширди — бу 2023 йилга нисбатан 26,2 фоизга кўп.



Тошкент кўчалари бино фасадлари, йўлақлар, яшил майдонларни қамраб олган ҳолда, “БИНОДАН БИНОГАЧА” ЯГОНА ДИЗАЙН-КОД БЎЙИЧА таъмирланади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

КУНГАБОҚАР МЕҲНАТ ҚИЛГАНЛАРГА БОҚАР

Когон туманида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида самарали лойиҳага қўл урилди.



Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кунгабоқар етиштириш йўлга қўйилди.



— Кўпчиликка маълумки, туман аҳолиси деҳқончиликда яхши тажрибага эга, — дейди Когон туманидаги “Сараён” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Абдулло Орипов. — Ана шу жиҳатдан фойдаланиб, эҳтиёжманд оилаларга экин ерлари берилганди. Бугунга келиб, камбағаллик даражаси икки қарра камайди. Аҳоли вакиллари йилга 2-3 мартадан ҳосил олиб, турмуш фаровонлигини таъминламоқда. Жумладан, “Сараён” маҳалласи ҳудудида 10 та эҳтиёжманд оила ўзларига ажратилган 1 гектар ерда кунгабоқар экишди. Ҳозирда парваршиш жараёни якуний босқичга кириб, йўғим-теримга тайёарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳисоб-китобга кўра, гектаридан ўртача 4 тоннадан ҳосил кутилмоқда. Маҳсулотнинг ҳар килограмми 40 минг сўмдан сотилишини ҳисобга олсак, 160 миллион сўмдан ортиқ даромад олиши режа қилинмоқда.

ТАКЛИФ, МУАММО



Шароит имкониятга мос бўлса, сайёҳлар оқими ортарди...

Маҳаллаимизда ўтган вақт давомида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Бир қанча янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Натижада ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланиб, доимий даромадга эга бўлди.

Фаррух ШОМУРОДОВ, Фориш туманидаги “Ўхум” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Инфратузилма ҳар томонлама яхшиланиб, туризм “драйвер” соҳага айланди. Дарҳақиқат, ҳудуддаги Асраф, Хаёт каби қишлоқлар табиатининг бетакрор гўзаллиги билан диққатга сазовор. Шу боис бу соҳа “ўсиш нуқта” сифатида ривожланмоқда.

Мисол учун, Хаёт қишлоғида яшовчи Нарзулло Мусаев ана шу имкониятдан самарали фойдаланиб, 2016 йилда икки хонадан иборат уй меҳмонхона очганди. Изланувчан йигит Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга бориб,

малакасини оширди. Инглиз ва рус тилларини ўрганди. Банкдан имтиёзли кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтирди. Уй меҳмонхонасини замонавий типда қайта қуриб, жиҳозлади. Бу жараёнда хорижлик сайёҳларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, миллий кадрият ва анъаналаримизни намойиш этишга эътибор қаратди. Табиийки, хорижлик сайёҳлар оқими ортди. Қисқа муддатда “Hayat Guesthouse” уй меҳмонхонаси халқаро туроператорлар эътиборига тушди. Бугунга келиб, миқозларнинг асосий қисмини европаликлар ташкил этмоқда. Айни пайтда “Ўхум”да халқаро талабларга жавоб бера оладиган 3 та оилавий уй меҳмонхона ташкил этилган.



“Маҳалла еттилиги” ходимлари иш бошлагани тизимда қатор ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Буни аҳолининг маҳаллага илгаригидек моддий ёрдам сўраб эмас, кўпроқ тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун мурожаат қилаётгани, хотин-қизлар ва ёшлар ўз ҳуқуқларини тобора чуқур англаб, яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланишга интилаётганида кўриш мумкин.

Бундай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш орқали янги ташаббусларга йўл очилмоқда. Масалан, хатлов ёрдамида муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш тизими йўлга қўйилди. Ҳар ҳафтада аниқланган, лекин бартараф этилмаган масалалар юзасидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига сўров киритилмоқда.

Айнан шу ўрганишлар натижасига кўра, жорий йилда 106 нафар фуқарога турли йўналишларда имтиёзли кредит ажратилди. “Аёллар дафтари”даги 10 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари берилди. 25 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлса, улардан 10 таси ақка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Хорижда меҳнат қилаётган маҳалладошлар билан яқиндан алоқа ўрнатганимиз. Саъй-ҳаракатимиз натижасида 45 нафар фуқаро оиласи бағрига қайтди. Олти

нафарига имтиёзли кредит ажратдик. 9 нафари норасмий секторда банд. Уларнинг фаолиятини қонунийлаштириш учун ўзини ўзи банд қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Қолганлари мавсумий иш ўринларига жойлаштирилди.

Хатловда 150 нафар ишсиз аниқланганди. Ҳозирча 60 нафари ўзини ўзи банд қилди. Қолган 90 нафарининг фаолиятини қонунийлаштириш жараёни давом этмоқда.

Шу ўринда бир тақлиф билдирмоқчиман. Қишлоғимизга хорижий ва маҳаллий меҳмонлар оқими ортиб бормоқда. Айниқса, дам олиш кунлари сайёҳлар сони 3-4 баробар кўп бўлади. Лекин уларни қабул қилиш имкониятимиз чеклангани боис хизмат кўрсатиш сифати тушиб кетмоқда. Шунини ҳисобга олиб, маҳалла ҳудудидаги ўрмон хўжалиги ерлари аукцион орқали фуқароларга сотилса, янги иш ўринлари яратиларди. Мутасаддилар шу тақлифимизга эътибор қаратишларини истардим.

Қолаверса, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммо — йўллар носозлигини бартараф этиш лозим. Ҳозир аксарият сайёҳлар “Фориш-Қизилча” йўлининг таъмиртаблили ва сифатсизлигидан норози бўлмоқда. Ҳақиқий “туризм маҳалласи”га айланишимиз учун шароитни имкониятимизга мослаш керак.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Каримжон АБДИЕВ, Чироқчи тумани:

— Хусусий тадбиркорман. Корхонада 7 та иш ўрни мавжуд. Шу кунларда фаолиятимни кенгайтириб, иш ўринлари сонини 10 тага етказдим. Ҳоким ёрдамчиси маслаҳати билан янги иш ўринларига хориждан қайтган фуқароларни ишга қабул қилдим. Ҳар бир ишга олинган ходим учун қанча миқдорда субсидия ажратилади?

ХОРИЖДАН ҚАЙТГАН ХОДИМГА ҚАНЧА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ?



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Қонунчиликка кўра, меҳнат миграциясидан қайтган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ойига 500 минг сўмдан субсидия тўланади. Бундан бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар мустасно.

Бу ҳолатда:

- субсидия 2024 йил 1 июндан 2026 йил 1 январга қадар ишга қабул қилинган шахсларга нисбатан тўланади;
- меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахс билан тузилган ва Ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаси субсидия тўлаш учун асос ҳисобланади;
- меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар деб хорижда 3 ва ундан ортиқ ой мобайнида меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, яшаш шартномаси қайтиб келганига бир йилдан кўп вақт бўлмаган шахслар тушунилади.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ — ЭНГ КАМ ХАРАЖАТ, ЭНГ КАТТА САМАРА

Сув тақчиллиги кузатилаётган бугунги шароитда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш долзарб тадбир ҳисобланади. Чунки бу усул кам сув сарфлаб, барқарор юқори ҳосил олиш имконини беради. Шу билан бирга, уни жорий қилган фермер хўжалиқларига имтиёз тақдим этилади.

Рустам НИЗОМОВ, Сабзавот, полиз экинлари, картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори.

Томчилатиб суғориш тизимининг ўзига хослиги — унинг босим остида ишловчи сув тақсимловчи доимий тармоқдан иборатлиги билан белгиланади. Ушбу тармоқ меъёрдagi сувни узлуксиз ва мунтазам равишда экинларнинг илдииз қатламига етказиб беради.

Маълумки, ер устидан суғоришнинг қарийб барча усулларида туپроқда сувга бўкиш ва суғоришдан кейин қуриб кетиш ҳолатлари юз беради. Томчилатиб суғоришда туپроқ эмас, балки мевали дарахт суғорила-

ди! Сувни аста-секин айнан ўсимлик илдизи жойлашган ерга етказиб беради. Туپроқдаги намликни ушлаб туради, сувнинг қуёш ва шамолда буғланиб кетишига йўл қўймайди. Сув кераксиз жойлар, яъни ариқ ораларини ҳам намлантириш учун сарфланмайди. Туپроқнинг барча турларига мос келади. Намлик доимий бир ҳилда сақланиши туфайли ўсимлик мўътадил ривожланади.

Суғоришни автоматлаштириш энг кам харажат билан энг катта самарага эришиш имконини беради. Боғ турига қараб, 40-50 фоизгача сув тежалади. Минерал ўғитнинг эритилган ҳолда берилиши эвазига самарадорлиги бир неча баробарга ортиб, 50 фоизгача иқтисод қилишга эришилади, ўсимлик озуқа моддалар билан яхши тўйинади. Элементлар-



нинг сизиб кетиш миқдори кескин камаяди. Энг муҳими, даладан оқова сувнинг чиқмаслиги боис туپроқ эрозияси бартараф этилади. Ер ости сувлари кўтарилиб кетишига йўл қўймайди.

Бунинг учун суғориш манбаи, бош иншоот ва ҳовуз — тиндиргич, сув насоси, сув фильтри, ўғитловчи мослама, тизимни бошқариш учун қурилма, фильтр тозаловчи, асосий ва тарқатувчи қувур, электр таъминоти доимийлиги, суғориш шланглари, томизгичлар, ёрдамчи ва улловчи қисмлар керак бўлади.


Кўриниб турибдики, бу тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга, агротехник тадбирларни самарали амалга оширишга ёрдам беради.



Ўзбекистонда
ярим йил ичида
7 МИЛЛИОНГА
ЯҚИН КИШИ
ТЕЗ ЁРДАМ
ЧАҚИРДИ.



Ўзбекистонда
2030 йилгача
ИСИТИШ ВА
ИССИҚ СУВ УЧУН
СУБСИДИЯЛАРДАН
бутунлай
воз кечилади.



“Uzbek Law Day”
(Ўзбекистон
ҳуқук кун)и форуми
доирасида
ЎЗБЕКИСТОН-БРИТАНИЯ
ЮРИДИК
АССОЦИАЦИЯСИ
ташkil этилди.

4

№56 | 2025 йил 12 июль, ШАНБА

Mahalla

МАНЗАРА

Янги ғоя, янги технология, янги ёндашув — барчаси маҳалладан бошланиши керак

2022 йилдан буён халқ хизматига, айниқса, ёшлар орасида фаолият юритиб келмоқдаман. Бу оралиқда 1 365 нафар ёшнинг турли муаммолари, ташвишлари билан яшадим, уларнинг ҳаётга дадил қадам босишига, тўғри йўл танлашига қўмаклашдим. Ҳар бирининг масъулияти, ҳаётга қараши, орзу-мақсадлари ҳар хил бўлса-да, уларнинг ҳар бирида Ватанимиз эртанги кунини, истиқболни борлигини ҳис қилиб тураман.

Зарина ТОИРОВА,
Бухоро туманидаги
“Работак” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Маҳалланинг ўзида узок йиллар фаолият юритганим, тажриба орттирганим боис ёшлар билан ишлаш ҳаёт тарзимгагина эмас, тақдиримдаги энг катта масъулиятга айланди. Дастлабки йилларда айрим чекловлар туфайли кўнглимдаги баъзи орзу-режаларимни амалга ошира олмасдим. Аммо бугун ёшлар етакчиси сифатида ниҳоят ўзим истганча ташаббус кўрсатиш, таклифлар киритиш, ёшлар орасига янгилик олиб кириш имкониятига эгаман. Энг муҳими, юқори ташкилотлар мени эшитмоқда, қўллаб-қувватламоқда. Бу эса ҳар қандай масалани ижобий ҳал қилишга хизмат қилмоқда.

Етакчилик лавозимини эгаллагач, маҳалламизда кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлди. Масалан, ҳоким ёрдамчиси олиб, тикувчилик цехи ташкил этдик. Бугун қизларимиз айнан шу ерда ўзларига етарли даромад топомоқда. Бундан ташқари, 4,5 миллиард сўм эвазига ерости йўли қурилиши ташаббусини илгари сурдим. Айни



Маҳаллада
иссиқхоначилик —
асосий “драйвер” соҳа
ҳисобланади. Ҳозирда
30 нафар йигит-қиз
иссиқхоналарда турли
маҳсулотлар етиштириб,
ҳам ўз бандлигини
таъминлаяпти, ҳам
юқори даромадга эга
бўлаяпти.

вақтда бу инфратузилма нафақат хавфсизлик, балки қулайлик жиҳатидан ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, ёшлар жиноятчилигини камайтириш борасида муҳим натижаларга эришдик. Илгари 16 нафар ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар рўйхатда бўлган бўлса, ҳозирда бу рақам 3 нафарга тушди. Улар билан масъул мутасаддилар иштирокида

алоҳида ишляпмиз. Спорт ва таълим борасида ҳам изчил ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ҳомийлар ёрдамида воркаут майдончалари қурилди, икки-та мини футбол стадионлари барпо этилди. Маҳалламиз ёшлари спортда катта ютуқларга эришаётир. Айниқса, шашка бўйича жаҳон чемпиони Фирдавс Олимов худудимиздан етишиб чиқди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Илм йўлида ҳам ижобий натижаларга эришил-япти. “Ибрат фарзандлари”, “Устоз AI” лойиҳаларида билим-малакаларини оширган бир нечта йигит-қизларимиз халқаро тил сертификатларига эга бўлди. Улардан бири — Шавкат Ҳазратов Кореддаги нуфузли олийгоҳга ўқишга юборилди. Бу каби ютуқлар орқасида биргина шахс эмас, балки жамоа бўлиб, фидокорона меҳнат қилаётган “Қалқон” ҳамда “Фидокорлар” гуруҳлари каби кўплаб жонқуяр ёшлар ва ҳамкор ташкилотлар турибди.

Ижтимоий муаммолар ечими ҳам алоҳида назоратга олинган. “Ёшлар дафтари” орқали энг кўп ёшларни рўйхатга киритиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга эришган етакчилардан бири бўлганим билан фахрланаман. Ажралиш ёқасида турган оилаларнинг тикланишига, шартнома ёки курс пули тўлашга қўрби етмаган ёшларимизга кўмак бериб келяпман.

Бугун олдимизда янги режа — худудда “IT” парк ташкил этиш мақсади турибди. Агар маблағ ажратилса, бу йўналиш бўйича замонавий ўқув марказини очамиз. Дастлаб 30 та компьютер билан бошламоқчимиз. Соат 08:00 дан 16:00 гача “IT” ўқув курслари, ундан кейин киберспорт машғулотлари учун шароит яратилади. Бу ёшларнинг замонавий технологияларга бўлган қизиқишини янада оширади, иқтидорли йигит-қизларнинг четга чиқиб кетмай, айнан шу ерда ривожланишига замин яратади.

Шу кунларда 3 нафар ёш “IT” йўналишига қизиқиш билдирган эди. Энди тасаввур қилинг: бу каби маскан маҳалланинг ўзида бўлса, ёшлар кўз ўнгимизда, доимий назоратда бўлади. Янги ғоя, янги технология, янги ёндашув — барчаси маҳалладан бошланиши керак.

ҲУҚУҚ

ОНА БЎЛИШ — МЕҲНАТ ҲУҚУКИДАН ВОЗ КЕЧИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Бола тарбияси — ҳаётдаги энг масъулиятли иш. Ҳар кунини уйдаги юмушга ҳам, ишда топшириққа ҳам улғуришга мажбур бўлган оналар бу оғирлиқни фақат юрагига кўтаради. Айниқса, икки ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун бу икки қарра масъулият.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Айни шароитни инобатга олиб, давлат ёш оналарнинг юқини енгиллатиш учун қонунан бир қатор енгилликлар беради. Яъни Меҳнат кодексига ёш оналарнинг иш фаолиятини бир вақтда олиб бориши учун имтиёзлар белгиланган. Келинг, шуларни содда тилда кўриб чиқайлик.

Аввало, агар сизда уч ёшга тўлмаган фарзанд бўлса ва давлат ташкилотиде ишласангиз, энди ҳафтасига 40 соат эмас, 35 соат ишлашингиз мумкин. Кўпчилик “иш соати қисқарса, маош ҳам камаёди” деб ўйлайди. Йўқ, қонун бунинг олдинин олган: иш соати қисқарса-да, маош тўлиқ тўланади.

Фарғонада яшовчи Гулчехра опа мактабда ишлайди. Унинг икки ёшли боласи бор. Меҳнат кодексига таянади ва ҳар кунини ишдан бир соат эртароқ уйга қайтади. “Дастлаб раҳбарият ҳеч нарса демади. Лекин ҳуқуқимни ёзма ариза билан билдирганимдан кейин, имтиёзимни берди”, — дейди у.

Бу ерда бир хулоса бор: ҳуқуқ берилди, лекин талаб қилмасангиз, ҳеч ким бермайди. Шунинг учун ҳар бир ишчи она ўз ҳуқуқини билиши ва уни ҳимоя қилиши керак. Бу имкониятдан баъзи аёллар шундай фойдаланяптики, иш кунини қисқартириб, эрталаб кечроқ ишга келяпти ёки кечроқ кетаяпти. Қонун улар томонда.

Иш вақтида болани овқатлантириш учун қонунда алоҳида танаффус белгиланган. Меҳнат кодексининг 407-моддасига кўра, агар фарзандингиз икки ёшга тўлмаган бўлса, сизга ҳар уч соатда камида 30 дақиқа танаффус берилади. Бу вақт болани овқатлантириш, эмизиш, бир оз бўлса-да, парваридиш учун ажратилади. Агар икки нафардан кўп кичик фарзандингиз бўлса, бу танаффус камида 1 соат қилиб белгиланади. Шуниси эътиборга молики, бу танаффуслар иш вақтидан олиб ташланмайди.

Яна бир муҳим жиҳат — Меҳнат кодексининг 130 моддасида белгиланганидек, дам олиш кунларида ходимларни ишга чақирдиш, асосан, аниқ ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолатларда ходимнинг розилиги ва тегишли компенсация шартларига риоя қилиниши шарт. Ҳеч ким сизга мажбуран тунги смена, хизмат сафари, дам олиш кунини ишга юклай олмайди. Агар ҳомиладор бўлсангиз ёки 14 ёшга тўлмаган фарзандингиз бўлса (ногирон бўлса, 16 ёшгача), бу ишларни фақат ўз розилигингиз билангина қилишингиз мумкин.

Баъзан раҳбарлар “ташқаридан текширув келяпти, дам олишда ҳам келинг”, деб сўрайди. Лекин қонун сизнинг тарафингизда: агар хоҳламасангиз, “йўқ” деб айтишга ҳақкингиз бор. Бунинг учун ҳуқуқингизни билишингиз, ҳимоя қилишни ўрганишингиз керак.

Албатта, қонунлар бор, имтиёзлар белгиланган. Лекин уларни ҳаётга татбиқ этиш учун онанинг ўзи талабчан, билимли, ҳақ сўрайдиган бўлиши шарт. Шу билан бирга, раҳбарлар ҳам бу масалаларга шундай қараши керак: онани ҳурмат қилиш — келажакка хизмат қилиш демакдир.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Дониёр ЎКТАМОВ.
Дехқонбод тумани:

— Менинг номимда икки қаватли нотураржой бор. Шу бинони таълим соҳасида фаолият юритадиган (масалан, ўқув маркази, нодавлат мактаб ёки болалар боғчаси) ташкилотга ижарага бермоқчиман. Шундай ҳолатда менга солиқ имтиёзлари бериладими?

ИЖАРАГА БЕРИЛГАН БИНОГА СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БЕРИЛМАЙДИ

Руслан ОДИЛОВ,
солиқ ва тadbиркорлик ҳуқуқи бўйича юрист:

— Бу савол бугунги кунда кўплаб ёш тadbиркорларни қизиқтираётган долзарб масалалардан саналади. Чунки кўп ҳолларда биноси бор, лекин ўзи тўғридан-тўғри тadbиркорлик билан шуғулланмайдиган фуқаролар биносини ижарага бериш орқали пассив даромад олишни режалаштиради. Бундай ҳолатда солиқ масалалари юзасидан аниқлик киритиш муҳимдир.

Солиқ кодексининг 414-моддасига кўра, фақат ўз мулкида таълим хизматини кўрсатаётган тadbиркорлик субъектларига мол-мулк солиғидан имтиёз берилади. Яъни агар таъ-

лим хизматларини кўрсатувчи ташкилот бинони эгаси бўлса ва:

- ✓ расмий равишда рўйхатдан ўтган бўлса;
- ✓ таълим фаолиятига лицензияга эга бўлса;
- ✓ йиллик даромадининг камида 90 фоизи айнан таълим хизматидан тушса;
- ✓ шундагина бу субъект мол-мулк солиғидан озод этилиши мумкин.

Аммо агар сиз, яъни таълим билан шуғулланмайдиган шахс ўз мулкнингизни ижарага тақдим этаётган бўлсангиз, ҳатто ижарачи таълим соҳасида фаолият юритаётган бўлса-да, сизга солиқ имтиёзи татбиқ этилмайди. Агар сиз мол-мулк солиғидан имтиёз олишни истасангиз, бинони ижарага бермай, ўзингиз расмий равишда шу ерда таълим хизматини кўрсатувчи субъект сифатида фаолият юритишингиз, керакли лицензияни олишингиз ва асосий даромадингиз айнан шу хизматдан келишини таъминлашингиз зарур.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ташаббус тайёр лойиҳага айланди



Хатирчи туманидаги “Боғчакалон” маҳалласида ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва мустақил ишбилармонлар сафини кенгайтиришга қаратилган тизимли ишлар олиб бориляпти.

Бу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар аллақачон ижобий натижаларини бера бошлади. Жумладан, Назарбек Азаматов ўзининг бизнес ғоясини маҳалла ёшлар етакчиси Улуғбек Эргашев билан бўлишди ва бройлер товуқ боқишга ихтисослашган мини ферма очиб ташаббусини илгари сурди.

Назарбекнинг лойиҳаси “Долзарб 90 кун” тadbирлари доирасида кўриб чиқилиб, “Алоқа банк” орқали 80 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу молиявий ёрдам ҳисобига ёш йигит маҳалладаги бўш ер майдонида бройлер товуқ боқиш фаолиятини бошлади.

— Бройлер товуқ зотининг афзаллиги — уларнинг 40-45 кун ичида вазн йиғиб, тез

етилиши ва бозорда талаб юқори бўлган гўшт маҳсулотини беришидадир, — дейди Назарбек Азаматов. — Бузимнинг бош бройлер товуқ боқяпман. Келгуси режам — фермани кенгайтириш, замонавий иситиш ва совутиш тизимларини жорий қилиш, ёшлар иштирокида ишлаб чиқариш жараёнини кўп босқичли шаклга ўтказишдан иборат. Бу орқали тенгдошларим учун ҳам қўшимча иш ўринлари яратилади.

Айни пайтда Назарбек парранда маҳсулотларини маҳалла ҳамда атроф худуддаги бозорларга сотаяпти. Бу орқали у нафақат ўз даромадини йўлга қўйди, балки маҳалла аҳолиси учун сифатли ва арзон парранда гўшти билан таъминловчи ишончли манбага айланди.





“ГУАНЧЖОУ-ТОШКЕНТ”
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА
Тўғридан-тўғри ҳаво
қатновлари йўлга қўйилди.



2025 йилнинг
1 июль ҳолатига кўра,
ЎЗБЕКИСТОНДА ДОИМИЙ
АҲОЛИ СОНИ қарийб
37 859 698 кишини
ташкил этди.



ЭРТА НИКОҲ УЧУН
ЖАВОБГАРЛИКНИ
қўлайтиришга қаратилган
қонун лойиҳаси
тайёрланади.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

Кўшимча манбалар бюджет барқарорлигини таъминлаяпти

Бугун “маҳаллабай” ишлаш жараёнида ким норасмий савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланаётгани, кимдир хари-дорга чек бермаётгани, яна кимдир иш ўрнини яшираётгани яққол намоён бўляпти. Шу боис ҳар куни одамлар билан мулоқотда бўлиб, уларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳиятини тушунтириб, тадбиркорларга онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ҳодимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топширишларини айтяпман.

Феруза НОСИРОВА,
Навоий шаҳридаги
“Зиёкор” ва “Маърифат”
маҳаллалари солиқ
инспектори.

Ўз навбатида, биз, солиқ инспекторларининг ҳам қандай ишлаётганимиз “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими кўрсаткичи (КРП) орқали таҳлил этиб бориляпти. Аввалгидек, фақат жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солигини ундириш билан эмас, балки йиғирмадан ортиқ йўналиш бўйича манзилли ишлаяпмиз. Натижада солиқ соҳасига оид кўплаб масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти. Энг муҳими, маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтиряпмиз. Тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрса-тиш, солиқларни ундириш ва



“маҳалла бюджети” даромади-ни шакллантириш ишларини олиб боряпмиз. Масалан, июнь ойининг ўзида вақтинча ишламай турган беш нафар тадбиркорнинг фаолияти қайта тикланди. 26 та корхонадаги 36 нафар ишчи фаоли-яти қонунийлаштирилди. 20 нафар ноқонуний ишла-ётган фуқарони тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказдик. Натижада 96,8 мил-лион сўм бюджетга қўшимча манба аниқланди. Жорий йил “Маърифат” маҳалласида солиқ тушумла-ри кўрсаткичи 932,7 миллион сўм, “Зиёкор” маҳалласида эса 1 миллиард 4 миллион сўм этиб белгиланган. Ўтган олти ой давомида “Маърифат”да

514,6 миллион сўм, “Зиё-кор”да эса 678,2 миллион сўм солиқ тушуми таъминланди. Солиқ тушумларининг асосий қисми мазкур маҳаллалардаги 51 та юридик корхона, 67 нафар якка тартибда-ги тадбиркор ҳамда 3 970 нафар жисмоний шахснинг мол-мулк ва ер солиқла-ри ҳисобига шаклланыпти. Эътиборлиси, мол-мулк ва ер солиқларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қола-ётгани маҳаллаларда кўплаб муаммоларни ҳал қиялпти. Асосий вазифамиз — маҳаллаларда янги “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, қў-шимча манбалар яратишдир. Шу боис тадбиркорлик билан шуғулланишни истаётган

фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг имконият ва шароитларидан келиб чиқиб, йўл-йўриқ ва маслаҳат беряпмиз. Жорий йилнинг ўзида ўзини ўзи банд қилган 248 нафар фуқарога якка тартибдаги тадбиркор сифати-да рўйхатдан ўтиш ишларига кўмаклашяпмиз. Афсуски, баъзи одамлар тадбиркорлик фаолиятини қандай юритишни билмайди, лекин номига фирма очиб, кредит оляпти. Аслида, фирма очмасдан ҳам ўзини ўзи банд қилган ҳолда даромад топиш мумкин. Бироқ аксарият фуқа-ролар кейинги фаолиятини ўйлашмаяпти, кредитни олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш-ни мақсад қилган.



Мақсадимиз — бўлажак тадбиркорларга тўғри йўл кўрсатиш, шу асосда маҳаллаларда хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш соҳаси-ни ривожлантиришдан иборат. Пировардида, солиқ тушумлари ошири-либ, бюджет барқарорлиги таъминланади. Бу борада “маҳалла еттилиги” ҳам-корлигида солиқларни ўз вақтида ундириш чорала-рини кўряпмиз.

НАТИЖА

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРЯПТИ

Бугунги кунда Бухоро вилоятидаги 544 та маҳаллада 246 нафар солиқ инспектори “маҳаллабай” асосида фаолият юритяпти. Жорий йилнинг июнь ойида “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимида 40 нафар 90 дан юқори балл жамғарган (шундан 10 нафари 100 балл олган) ходимлар ой якуни бўйича мукофотланди.



Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилояти солиқ бошқармаси
шўъба бошлиғи.

Шешку туманидаги “Янгиобод” ва “Қоракалпоқ” маҳалласи солиқ инспек-тори Фахриддин Файзуллаев пешқадамликни қўлдан бермай келаётганлардан бири. У жорий йилнинг охиригача уч ойида кетма-кет 90 балл-дан юқори кўрсаткични забт этди. Унинг иш самарадорлиги, асосан, маҳалладаги имкони-ятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгай-тириш, норасмий тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш ҳамда паст кувватда ишлаётган ва фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлик субъектла-рига фаолиятини тиклаш ва кенгайтиришга яқиндан ёрдам бериш кўрсаткичлари билан баҳоланяпти.

— Буларнинг барчасига солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигини ва қонуний фаолиятнинг афзалликларини ҳамда солиқ тўлаш мажбурият эмас, Конституциявий бурч эканини тўғри ту-шунтириш орқали эришялман, — дейди Фахрид-дин Файзуллаев. — Маҳалладаги асосий вазифа-миз — кўпроқ тадбиркорлик субъекти вакиллари билан бирма-бир учрашиб, суҳбат ва мулоқот-лар ўтказиш орқали уларга солиқ қонунчили-гидоли ўзгаришлар, янгиликларни етказишдир. Шунингдек, қонуний ишларнинг афзалликлари, хусусан, ўз вақтида ҳисобот топшириш, истеъ-молчиларга харид чеки бериш мажбуриятлари юзасидан тушунтириш беряпман.



Вилоятда Фахриддин Файзуллаев каби маҳалла солиқ инспекторларининг саъй-ҳара-кати билан жорий йилнинг ўтган даврида 15 197 та қўшимча солиқ базалари аниқланди. Бунинг натижасида мол-мулк ва ер солиғи-дан жами бюджетга 12,8 миллиард сўм солиқ тушуми тушиши таъминланди. Бундан ташқа-ри, 27 та бўш турган объект ишга туширилди, молиявий қийинчиликлар туфайли фаолиятини вақтинча тўхтатган 3 000 дан ортиқ тадбир-корлик субъектлари фаолиятини қайта тиклади. 3 141 та ноқонуний фаолият кўрсатаётган фуқаро тадбиркор сифатида давлат рўйхати-дан ўтди. Уйда норасмий даромад топаётган 85 000 нафардан ортиқ фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, корхоналарда но-расмий меҳнат қилаётган 5 000 дан ортиқ ишчиларнинг фаолияти қонунийлаштирилди. “Маҳаллабай” ахборот тизими орқали солиқ инспекторларининг иш самарадорлиги-ни назорат қилиш, уларнинг маҳаллалардаги вазифаларини сифатли бажариши таъминлан-япти. Бундай баҳолаш тизими, ўз навбатида, ходимларни муносиб рағбатлантириш ва шу орқали уларнинг иш самарадорлигини оши-ришга хизмат қиялпти. Эътиборлиси, бу каби чора-тадбирлар маҳалла солиқ инспектор-ларининг тадбиркорларга намунали хизмат кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, уларни ундириш ва “маҳалла бюджети”нинг даромади-ни оширишда муҳим омил бўлмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Собир ДЎЛАНОВ.
Жиззах шаҳри:

— Бир ходимни уч ой синов муддати билан ишга олгандим. Синов муддати тугагандан кейин келишув шартномаси қилиб, қайта буйруқ чиқариб, доимий ишга оламани ёки фақат келишув шартномаси-нинг ўзи бўладими?

СИНОВ МУДДАТИ ТУГАГАЧ, ҚАНДАЙ ШАРТНОМА ТУЗИЛАДИ?

Мухаммадамин КАРИМЖОНОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Ҳеч нарса қилинмайди. Алоҳи-да буйруқ ҳам, алоҳида қўшимча келишув ҳам тузилмайди. 3 ой-лик ёки 6 ойлик дастлабки синов муддати тугагач, якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар давом этаверади. Дастлабки синов муд-дати тугагач, қандайдир ҳужжат расмийлаштириш шарт эмас. Қонун-чиликда бундай талаб йўқ. Меҳнат кодексининг 129-мод-дасига кўра, меҳнат шартномасида дастлабки синовдан ўтиш ҳақида шарт кўрсатилиши ва бу синов фақат ходимни ишга қабул қилиш чоғида белгиланиши мумкин. Қа-чонки тарафлардан бири дастлабки синов даврида меҳнат шартномаси-ни бекор қилмоқчи бўлса, ана унда Меҳнат кодексининг 132-моддаси-га кўра, дастлабки синов муддати тугагунига қадар тарафларнинг ҳар бири иккинчи тарафини камида уч кун олдин ёзма шаклда огоҳланти-ради ва тегишли тартибда расмий-лаштирилади.

ЯНГИЛИК

“ЭЗГУЛИК” ДА ЗАМОНАВИЙ ТУРМУШ ХИЗМАТИ

Бўка туманидаги “Эзгулик” маҳалласида “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга қўйилди.



Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Тошкент
вилояти бошқармаси.

Ушбу компания аҳо-лига 31 хил турда-ги хизматларни кўрса-ти. Жумладан, сантехни-ка, пайвандлаш ишлари, қурилиш, томорқа парвариши, дарахтларга ишлов беришдан тортиб, аёлларга уй ишларида ёрдам бериш хизмати ҳам йўлга қўйилган.

Бугун “Эзгулик” йиғи-ни аҳолиси ҳаётига ҳам замонавий турмуш имко-

ниятлари кириб келяпти. “Маҳалла сервис компа-нияси”нинг очилиши ана шундай имкониятлардан бири бўлди. Тадбирда туман ҳокимлиги, Маҳал-лалар уюшмаси, “Нуро-ний” жамғармаси туман бўлиmlари масъуллари, кўшни маҳаллалар раис-лари, маҳалла аҳолиси ва нуронийлар иштирок этди.


Яқин кунларда туман-даги яна 5 та маҳаллада худди шундай “Маҳалла сервис компанияси”нинг иш бошлаши режалашти-рилган.

КЎРСАТКИЧ

СОЛИҚЛАРНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАШ ДАРАЖАСИ ОШДИ

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида республика миқёсида юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилиши 95 фоизни ташкил этди.

Бу борада энг яхши кўрсаткич йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекциясида қайд этилди — 95 фоиз.



Қорақалпоғистон Республикасида, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида — 95 фоиз.

Солиқ турлари

кесимида:

— ер қарбидан фойдаланганлик учун солиқ — 100 фоиз;
— фойда солиғи — 97 фоиз;
— жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи — 96 фоиз;
— қўшилган қўймат солиғи ва акциз солиғи — 95 фоиз;
— айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк ва ер солиғи — 93 фоиз;
— сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — 91 фоиз.



“СУРУНКАЛИ ҚОИДАБУЗАРЛАР”: мунтазам равишда қоидабузарлик қиладиган ҳайдовчиларга жаримадан чегирма берилмайди.



Ўтган йили 9 минг 364 та ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ содир этилиб, уларда 2 минг 203 нафар одам ҳалок бўлган.



Эндиликда қоидабузарлик содир этилган кундан бошлаб, БИР ОЙДА ҚАРОР ЧИҚМАСА, ҳайдовчи ҳеч қандай жарима тўламайди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ТАҚДИМОТ

ҲАР БИР МАҲАЛЛА “ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД”ГА АЙЛАНТИРИЛАДИ



Тақдимотда қайд этилганидек, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ҳолатлари кўп учраб турибди. Бунга қарши курашилаётган, зарарли воситалар ва лабораториялар йўқ қилинаётган бўлса-да, муаммо тўла бартараф бўлмаган. Шу боис видеокузатув камералари ва сунъий интеллектни қўллаб, гиёҳвандлик моддалари тарқалишини аниқлаш, манбасини таг-томири билан йўқ қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноят содир этгани учун 4 195 нафар шахс ушланиб, улардан 1 тонна 882 килограмм гиёҳвандлик воситалари ва 894 минг 255 донна кучли таъсир қилувчи дори воситалари олиб қўйилган.

Бугунги кундаги яна бир долзарб муаммо — кибержиноятчилик. Юртимизда йил бошидан буён содир этилган жиноятларнинг 42 фоизини

шу “иллат” ташкил қилган. Шу жиҳатдан Президентнинг 2025 йил 30 апрелда имзоланган “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори долзарб аҳамиятга эга бўлди. Ундаги вазифаларни тўла амалга ошириб, кибержиноятларнинг олдини олиш, аҳолининг бу борадаги билими ва огохлигини кучайтириш, тўлов тизимларида мижозларининг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги айтилди.

Тақдимотда ҳуқуқ-тартибот идоралари ишининг ўзаро мувофиқлиги ва тезкорлигини кучайтириб, қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш, жиноятчиликни кескин камайтириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва қонун устуворлиги иқтисодиёт ривожини, аҳоли фаровонлигининг муҳим шарти экани таъкидланди.

Президент Матбуоти хизмати материаллари асосида тайёрланди.

Рақамли технологиялар жиноятни тезкор фош этишти

“Янгиариқ” маҳалласи турли тақдирлар туташадиган қайноқ чорраҳада жойлашган. Бу ерда турли давлат ташкилотлари, “Ёшлар” хийбони, кечаю кундуз ишлайдиган улгуржи савдо дўконлари, тўйхонаю чойхона, ошхоналар бор. Шу боис туну кун одамлар серқатнов. Бу эса биздан янада ҳушёрликни талаб этади.

Боғибек КАРИМОВ, Янгиариқ туманидаги “Янгиариқ” маҳалласи профилактика инспектори.

Ўзим Хонқа туманиданман. Олти йилдирки, оилам билан шу ерда — хизмат уйимда яшаб, янгиариқликлар осойишталигини таъминлаб келяпман. Ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашяпмиз. Бу борада “маҳалла еттилиги”, кўча бошилари билан тизимли ишляпмиз. Ҳар бир хонадон, тадбиркорлик субъектларига кириб, телефон рақамимни бердим. Маҳалла аҳолиси учун алоҳида телеграм гуруҳ очиб, унга турли ҳуқуқбузарлик, хусусан, кибержиноят бўйича фуқароларни огоҳликка чорловчи видеороликлар жойлаб борапман.

Юқорида таъкидлаганимдек, маҳалламиз ҳар доим одамлар билан гавжум. Шу сабаб ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун давлат ташкилотларига, Президент мактабига, умумтаълим мактабларига, боғчаларга, кўчаларга, чорраҳаларга, жамоат жойлари ва барча савдо дўконларига икки юзга яқин видеокузатув камералари қўйдик. Уларнинг айримлари инсон юзидан ва автотранспортларини давлат рақамидан кимга тегишли эканини аниқловчи қурилма бўлиб, улар қидирувда бўлган шахс ва автотранспортларни топшида катта кўмак берапти. Яқинда қўшни маҳалладаги ҳамкасбим билан ҳамкор-



ликда қидирувда бўлган шахсни ушладик. Бир фуқаронинг эҳтиётсизлиги оқибатида тушириб қолдирган пул ва ҳужжатларини камералар ёрдамида топиб бердик.

Қоронғулик жиноятнинг ўчоғи бўлишини инобатга олиб, учта асосий кўчага тунги ёритгич чироклари қўйдик. Шунингдек, ҳудудда куну тун ишлайдиган тўйхона, ошхона ва кафелар бўлгани учун тунги наvbатчилик ташкил этганмиз. Бу жараёнда энг кўп муурожаат — спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жанжал қиладиган фуқаролар устидан бўляпти. Шу боис аксарият спиртли ичимликлар савдо дўкони фаолияти тартибга солинди. Тунги наvbатчилик давомида аҳолининг қаровсиз қолдирилган буюмлари



Ҳар бир кўча бошига “Сиз камера кузатувидасиз”, деб номланган баннерлар қўйилгани ҳар бир кишини сергакликка тортяпти.

аниқланса, эгаларини уйқудан уйғотиб, қайта кўчада қолдирмасликларини тушунтирамиз. Фуқаронинг номидан телеграм гуруҳга: “Сиз ҳам уйқунгиз бузилишини хоҳла-масангиз, буюмларингизни кўчада қолдирманг!”, деган видеомурожаат юборамиз.

Оила-турмуш муносабатлари доимий эътиборимизда. Яқинда “еттилик” кўмагида иккита ёш оила яраштирилган бўлса, бир нафар низоли оиланинг муаммоси суд орқали ҳал этилди. Якка-ёлғиз яшовчи аёллар ва қариялар, нотинч, ажралиш ёқасидаги оилалар хонадонлари кўриқловга олинган. Уларда бирор ноҳус ҳолат бўлса, “ташвиш тугмаси”ни босиб, Миллий гвардия ходимларига хабар беришди.

Хаёт давом этар экан, турли келишмовчилик ва низолар, ҳуқуқбузарликлар бўлиши табиий. Шу боис, биринчи наvbатда, ҳар қандай кўнгилсизликларни келтириб чиқараётган муаммоларни бартараф этиш лозим. Энг муҳими, фуқароларни жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кўпроқ хабардор этиб, қонун устуворлигини муқаррар таъминлашдир. Шунда ҳар бир маҳалла жиноятдан холи бўлиб, фуқаролар осойишталиги таъминланади. Бу борада ҳар бир фуқаро ўз оиласи, хонадонини, кўчаси ва маҳалласини осойишталигини таъминлашга ҳисса қўлиши керак. Агар жамоатчилик вакиллари фаол бўлса, ҳеч бир жиноят исзиз кетмайди.

Қувонарлиси, бугун одамлар илгаригидек инспекторлардан қочаётгани йўқ, аксинча, ўзининг, маҳалласининг осойишталигини ва хавфсизлигини таъминлашни сураб бизга муурожаат қиляпти. Хизматларимизни эътироф этиб, миннатдорчилик билдиляпти. Бу эса бизни янада руҳлантириб, фаол ишлашга ундаяпти.

ОБУНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. “MAHALLA DAVRIY NASHRLARI” МЧЖ (бундан кейин — “Тахририят” деб юрнтилади), қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс (бундан кейин — “Обуначи”) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ, 2026 йил учун обуна шартномасини (бундан кейин — “Шартнома”) тузишга тайёр эканлигини билдиради. “Тахририят” ва “Обуначи” кейинги ўринларда “Тарафлар” деб номланади.

2. “Обуначи” мазкур “Шартнома” шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептнинг (бундан кейин — “Акцепт”) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида “Тахририят”ни хабардор қилади. “Акцепт”нинг барча устунлари тўлиқ, қисқартирилшарсиз, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. “Акцепт” (97) 780-62-70 телерам рақами орқали жўнатилиши ёки “Тахририят” жойлашган Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй манзилига юборилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. “Тахририят” 2026 йил учун “Акцепт”да кўрсатилган наشرларга обуна қилиш мажбуриятини, “Обуначи” эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур “Шартнома”ни акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарлар жўнатиш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.) акцепт ҳисобланади.

5. “Обуначи” обуна маблағларини “Тахририят” ҳисоб-рақамига (“Акцепт”га биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) пул ўтказиш йўли билан юз фонд (100%) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади.

6. “Тахририят” ҳисоб-рақамига мазкур “Шартнома”нинг 5- ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган пул маблағлари келиб тушганидан кейин мазкур “Шартнома” бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

7. “Тахририят” наشرларни манзили бўйича Маҳаллалар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлиmlарига ёки “Обуначи” манзилига юк-ҳужжати (накладная) асосида етказиб беришни ташкил қилади. Наشرлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, “Обуначи” бу ҳақда “Тахририят”ни хабардор қилиши шарт.

8. “Обуначи” “Акцепт”да ўз манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, наشرларни етказиб бериш юзасидан “Шартнома” шартлари бажарилмаганлиги учун “Тахририят” “Обуначи” олдида жавобгар бўлмайди.

9. “Тарафлар” “Шартнома” шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу “Шартнома” тузилганидан кейин, “Тарафлар” олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган ҳаққулотда тўсдаги воқеалар натижасида енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.

10. Мазкур “Шартнома”ни бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни “Тарафлар” музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.

11. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муддати — 2026 йил 31 декабргача.

12. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Mahalla davriy nashrlari” МЧЖ
Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси 59-уй
Х/р: 2020 8000 8070 4192 5001, АКБ “Туронбанк” Бош офиси. МФО: 00446,
ИНН: 111233799, ИФУТ: 18 120,
Телефон: (71) 233-40-92, (71) 233-39-89, (97) 146 02 07



ИЛОВА

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

202_ йил «__» _____

1. (Обуначини таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтказилган сўрашомасига мувофиқ таъинланган-қўғроқ вазифа қўрсатилган тўғри ном)

асосида амал қилувчи

ҳужжат (таъсис шартномаси, устас, низоми ва б., шартнома)

ТИМСОЛИДА,

(Обуначи вақолатли вақолатини Ф.И.Ш. (теги), унинг лавозими)

“Mahalla” газетасининг 2025 йил июлдаги 56 (2280)-сонида эълон қилинган обунани ташкил этиш бўйича оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2026 йил учун қуйидаги наشرларга обуна бўлади:

№	Нашр номи	Бичими, саҳифаси	Даврийлиги	Бир йиллик обуна баҳоси (ҚҚС билан)	Сони	Суммаси
1.	“Mahalla” газетаси	A2; 8 саҳифада	Ҳафтада 2 марта	1 000 000		
2.	“Mahalla ko'zgusi” журнали	A4, 64 саҳифада	Ойда бир марта	500 000		

2. Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан _____

сўмни ташкил қилади.

(рақамлар ва ёзу билан кўрсатилсин)

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси							

Минтақа / Вилоят: _____, шаҳар/туман: _____.

(илларча, маҳалла, қишлоқ, кўча, дала, мазга, уй, кн, хона)

Мўлжал: _____

4. Боғланиш учун телефон: _____

5. Алоқа боғловчи шахс: _____

(Ф.И.Ш.)

Обуначи реквизитлари:

СТПР: _____

ИФУТ: _____

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____

Почта манзили: _____

Телефон: _____

Х/р: _____

Хизмат кўрсатувчи банк: _____


Банк коди: _____

(вақолатли мансабдор шахс логоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.У.

ЭСЛАТМА: Банк тўлов кассалари, пайнет тўлов шоҳобчалари, мобил иловалар ва шунга ўхшаш тўлов тизимлари орқали тўловни амалга оширганнингизда тўлов максадига ТУМАН, ШАҲАР номи ва МФЙ номи тўлиқ ёзилиши талаб этилади.

Масалан: “Нукус шаҳри, Гузар МФЙнинг “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журналига 2024 йил обунаси учун маблағ ўтказилди”.



Барча ташкилот ва маҳаллалардаги АСОССИЗ ҚЎЙИЛГАН ТАҚИҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАР олиб ташланади.



Тошкент вилоятидан қатновчи автобуслар йўналиши ПОЙТАХТ ИЧКАРИСИГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ.



Ўзбекистонда НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР умумий аҳолининг 2,7 фоизини ташкил этяпти.

Кундузги парвариш ҳам онага, ҳам болага бирдек манзур

Қувасой шаҳрининг “Боббон” маҳалласида тадбиркор Акмалжон Хўжаев ташаббуси билан 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ногиронлиги мавжуд болалар учун кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилди.

Давлатжон ПОЛВОНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

“Меҳр” номли янги муассаса ҳозирда ногиронлиги бўлган 6 нафар болани ўз бағрига олган. Маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар ўтказган хатлов натижасида Қувасой шаҳри бўйича ногиронлиги бўлган болалар сони 392 нафар экани аниқланган.



— Бу болаларнинг 201 нафари уй таълими билан қамраб олинган бўлса, яна 48 нафари турли инклюзив гуруҳлар ва синфларга жалб қилинган, — дейди туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш шўъбаси бош мутахассиси Қаноатхон Азимова. — 3 нафар бола Фарғона шаҳридаги “Муруват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйида ташкилланган “Ғамхўрлик” гуруҳига берилган. Шаҳримизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кундузги парвариш хизмати йўлга қўйиш орқали

қолган 134 нафар болани қамраб олишимиз мумкин. Ҳозирда айтиш мумкин, кундузги парвариш хизмати олинган болаларнинг сони кўпайиб бораётган.

Зулфияхон Мирзаеванинг 11 ёшли фарзанди Абдуллоҳ кундузги парвариш хизмати олинган, онани ишлаш имкони пайдо бўлди. Ҳозирда у шаҳардаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган 90-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ишляпти. Шунингдек, она энди оиладаги 2 нафар соғлом фарзандининг таълим-тарбияси

учун ҳам етарлича вақт ажратмоқда.

Таъкидлаш лозимки, кундузги парвариш хизматининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлаш, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этишга ёрдам берапти. Шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларнинг оила қарамоғида қолишини таъминлаш ва ижтимоий етимликнинг олдини олишга хизмат қилади.

“Миннатдорлик кайфиятидан чарчоқларим унут бўлади”

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Арофатой ТЕШАБОВЕВА, Марҳамат туманидаги “Қушчи” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалланинг нақадар кадрли маскан эканини ижтимоий ходим сифатида иш бошлаганимдан кейин тушуниб етдим. Авваллари одамларнинг бир-бирига бунчалик ғамхўрлик қилиши, орамизда саховатпеша инсонларнинг кўпчилигини билмаган эканман. Эҳтиёжманд хонадонларга қандай ёрдам кераклигини сўраб кириш асносида уларга йиллар давомида кўмаклашиб келаётган кўни-кўшнилари, қариндошлари борлигини эшитиб, кўнглимдан ўзгача ҳислар кечди.

Ҳозир фаолият олиб бораётган маҳалламда кўп йиллардан буён яшаб келаман. Кўчалар, одамлар жуда қадрдон. Қарийб бир йилдан буён уларга давлатнинг ишончли вакили сифатида астойдил хизмат кўрсатиб келяман. Фаолиятим давомида эллика яқин кейс очиб, ҳар бир муносабатимнинг муаммоларига муносиб ечим топишга ҳаракат қилдим.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган муҳим ислохотлардан бири — аҳолининг фаровонлиги, ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатдан оилаларни кўллаб-қувватлаш, кўмакка муҳтож ва ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини жадал суриятларда амалга оширишдир.

Президентимизнинг халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлида қабул қилаётган қарорларни ижросини таъминлашда ва уларни аҳолига тўғри етказишда, албатта, барча давлат хизматчилари қаторида биз — ижтимоий ходимларнинг ҳам масъулиятли меҳнат вазифалари муҳим аҳамиятга эга.



Кун бўйи оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган шахслар билан комплекс ёндашув асосида иш юритамиз. Инсонлар билан дардлашамиз, муаммоларини ўзимизникидек қабул қилиб, бирга ечим излаймиз. Тонг саҳардан бошлаган юмушларимизни кун ботгунга қадар давом эттирар эканмиз, баъзан чарчоқни ҳам унутамиз. Одамларнинг чехрасидаги розилик кайфияти, миннатдорликни кўриб, қайта кучга тўлгандек бўламан.

Фаолиятим давомида бир мураккаб ҳолатга дуч келдим. Бу ўзим учун катта тажриба бўлди. Она ўз фарзандидан воз кечиб, уни дунёга келтириши билан бошқа бир инсонга ҳеч қандай шартларсиз, номаълум келишувлар асосида бериб юборади. Онани бу ҳаракатларга ундовчи омил — эри билан ўзаро келишмовчилиги бўлган. Қолаверса, аёл ҳомиладор бўлганини ҳеч кимга айтмаган, хатто турмуш ўртоғига ҳам. Чунки бу вақтда улар чет давлатда даромад топиш учун ишлаб юрган ва ўша жойда эри билан келиша олмай, Ўзбекистонга қайтади. Қиш мавсумида юртга келгани ва кўшнилари билан кам мулоқот қилганидан маҳалладагилар ҳам аёлининг ҳолатидан беҳабар бўлган. Шу зайдла ой кўни келиб, у иккинчи фарзандини дунёга келтиради ва бошқа бир инсонга бериб юборади. Шундан сўнг, орадан бир муддат ўтади. Онанинг қилган иши ойдинлашади, бироқ у ўзарлик билан бола уники эмаслигини таъкидлайди.

Ўрганишларимиз, ҳаракатларимиз натижасида чақалоқни онага қайтаришга эришдик. Сўнгра “Она уйи” масканига йўналтирдик. Бу кейс билан ишлаш мобайнида кўплаб хизматлар кўрсатилди. Асосийси, бир мураккаб қалб ўз онасининг бағрида ўсиб улғаядиган бўлди.

СПОРТ — ҲАЁТГА ҚАЙТИШ ВА ЎЗИНИ АНГЛАШ ДЕГАНИ

МАТОНАТ

Кундалик ҳаётимизда спортнинг ўрни беқиёс. У инсон саломатлигини мустаҳкамлагина қолмай, ижтимоий ҳаётда дўстлик, ҳамкорлик, рақобат ва ўз-ўзини ривожлантириш руҳини шакллантиради.



Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган инсонлар учун ҳам спорт орқали янги имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда адаптив спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар бунга яққол мисолдир.

Бўстонлик туманидаги “Ёшлик” маҳалласида яшовчи Феруза Муслимова ана шундай спорт орқали ҳаётини ўзгартирган инсонлардан бири. У бугун ўзининг иродаси, сабр-тоқати ва тиришқоқлиги билан кўплаб ногиронлиги бор шахсларга намуна бўлиб келмоқда.

Феруза опа 16 ёшида кўз нуридан айрила бошлаган. Бир неча оғир муолажалар, уч марта бажарилган жарроҳлик амалиёти, тушунлиқ ва ёлғизлик ҳисси уни қаттиқ синовдан ўтказди. Ҳаётга бўлган ишончини деярли йўқотган онларда унга маҳалла фаоллари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари қўл узатди. Улар Феруза опани спортга йўналтирди. Ана шу дақиқадан бошлаб, унинг ҳаёт саҳифаси ўзгача ёзилди.

— Авваллари ўзимни жамиятдан йироқ ҳис қилардим, — дейди Феруза Муслимова. — Ўйда ўтирардим. Лекин спорт ҳаётимни буткул ўзгартирди.

Феруза Муслимова ҳозирда

Бўстонлик туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида пара-енгил атлетика бўйича шугʻулланиб келмоқда. Унинг машғулотлари олий тоифали спорт устаси, моҳир мураббий Шерзод Турғунов раҳбарлик қилади. Устозининг айтишича, Феруза опанинг ҳаракати, матонати ва иродаси бошқаларга ҳам куч ва ишонч бағишламасди.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг хизматлари тўғрисида Феруза опа энди нафақат спортда, балки ҳаётда ҳам фаол ва илҳом бахш этувчи шахсга айланган. Бугунги кунда Бўстонлик туманида пара-енгил атлетика билан шугʻулланаётганлар сони 36 нафарни ташкил этиб, улар 9 та гуруҳга бўлинган. Туман бу борада вилоятдаги фаол ҳудудлардан бири ҳисобланади. Умуман, Тошкент вилоятида 178 та гуруҳда 806 нафар спортчи ва 107 нафар малакали мураббий фаолият олиб бормоқда. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга спорт орқали янги ҳаёт эшикларини очаяпти.

Феруза Муслимованинг бугунги ҳаётидаги ўзгаришлар бежизга эмас. Бунинг ортида муттасил кўллаб-қувватловчи ижтимоий ходимлар, меҳрибон мураббийлар ва энг асосийси, ўз иродасига ишонган аёл турибди.

Спорт, ёу — фақат медаллар ва натижалар эмас, бу ҳаётга қайтиш, ўзини англаш ва жамиятга қўшилиш воситасидир.

ЛАВҲА

“Янги турмуш”да уйғонган янги умидлар

Қизириқ туманидаги “Янги турмуш” маҳалласида бир оила бор. Бугун уларнинг юзида табассум, қалбида умид ҳамда шукроналик ҳисси ҳукмрон. Бу — Фармон Тўрақулов ва унинг яқинлари. Берилган ижтимоий ёрдам ва ғамхўрлик натижасида уларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз берди.

Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

Келажагимиз бунёдкори бўлган болалар учун ўз вақтида кўрсатилган ғамхўрлик жамият тараққиётининг асосидир. Шу маънода, Фармон Тўрақулов бир неча йилдан буён набираларидан оталик меҳрини аямайди. Улар расман васийликка олиниб, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазага қилиб келинмоқда. Бу муҳим қадам болаларнинг таълим-тарбиясида янги имкониятлар эшигини очди.

Оиланинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида ижтимоий ходим кўрсатган хизматлар натижасида Фармон аканинг қизи Сайёрага субсидия асо-



Васийликка олинган набиралари фан тўғаракларига жалб этилди.



сида тукув машинаси тақдим этилди. Бу нафақат янги меҳнат фаолияти, балки ўз бизнесини бошлашга муҳим қадам бўлди. Моддий жиҳатдан эркинликка эришишда, рўзгорини тиклашда иссиқхона қурилиши муҳим аҳамият касб этди.

Фармон Тўрақуловнинг васийликка олинган набиралари фан тўғаракларига жалб этилди. Бу уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, истеъдодини ривожлантириш ва ижтимоийлашувини таъминлаш учун катта имконият яратди.

Маҳалла фаоллари ва ижтимоий ходим ташаббуси билан Фармон ака навбат асосида санаторийга йўлланма олиш учун рўйхатга қўйилди. Қолаверса, мавжуд ҳуқуқий имкониятлар-

дан тўлиқ фойдаланиш мақсадида оила учун компенсация тўлаш юзасидан тегишли органларга ариза киритилди.

Болаларнинг дарс тайёрлаши учун қулай муҳит яратиш мақсадида ҳомийлар томонидан стол ва стул тақдим этилди. Бу ёш авлодининг таълимга бўлган қизиқишини оширди ва оилада маърифат руҳини мустаҳкамлади.

Ижтимоий ҳимоя тизимининг одамлар ҳаётида аниқ натижаларини кўрсатувчи бундай мисолларнинг ортиб бораётгани қувонарли ҳол. “Янги турмуш” маҳалласининг фаол ижтимоий ходими Зоҳиджон Чориев бошчилигида олиб борилган мақсадли ишлар самараси бугун кўзга яққол ташланмоқда.



Футбол бўйича **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ФИФА РЕЙТИНГИДА** икки поғона юқорилаб, 55-ўринни эгаллади.

Президент қарорига кўра, Ўзбекистон спортчилари 2028 йилги **ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ**га комплекс тайёрланади.



Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида уч босқичли **“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ЧЎҚИЛАРИ”** спорт мусобақалари ўтказиб борилади.

8

№56 | 2025 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ, ШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ГЎЗАЛЛИК ВА САЛОМАТЛИК САРИ

Сув аэробикаси — чарчоқни чиқариш, дам олиш ва кайфиятни кўтариш усулларидан биридир. У гавдани чиройли кўринишга келтириш, ортиқча вазнини йўқотиш ва саломатликдаги бир қатор муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

СУЗАМИЗ



Азиза ШИРИНОВА, шифокор.

Сув аэробикаси билан шуғулланишдан аввал мураббий ёрдамида сузишни ўрганиш тавсия

этилади. Шундан кейингина аста-секин машқлар бажаришга киришилади. Аввалига бу биров қийин кечиши мумкин. Лекин вақт ўтиши билан ҳаётингизни сувсиз тасаввур қила олмай қоласиз. Ҳафтада уч-тўрт марта машғулотларда қатнашиб орқали тана ва руҳ уйғунлашиб, киши ҳаракатларни осон ва енгил бажаришни бошлайди. Доимий

равишда ўзини тетик ҳис қилади. Бу жисмоний фаоллик барча ёш тоифасидагилар учун мос келади. Сувнинг қаршичилигини енгил баробарида турли ҳаракатларни амалга ошириш энергия сарфини оширади ҳамда кишидан кўпроқ куч ишлатишни талаб қилади. Натижада мушаклар тобора кучга тўлади. Аёллар кўпинча айрим тана

нуксонлари, қон томирларининг кенгайиши, қувватсизлик, мириқиб ухлай олмасликдан шикоят қилади. Сув гимнастикаси орқали қон айланишининг фаллашиши эса танадан ортиқча суюқликни аста-секин чиқаришга ёрдам беради. Натижада шиш камайди, вазн меъёрлашади, тери ёшариб, таранглашади. Машғулотлар метаболизмни тезлаштиради, юрак ва қон томирларини ҳамда таянч-ҳаракат тизимини мустаҳкамлайди. Юқори нафас йўлларининг мавсумий хасталикларига бўлган чидамлилиги ортади. Қолаверса, сувда домий ва фаол ҳаракатда бўлиш иштаҳани очади.

Мутахассислар сувнинг тинчлантирувчи таъсири борлиги ҳақида кўп таъкидлашган. Ўтган асрда шифокорлар баъзи руҳий касалликларни даволаш учун сузишни тавсия қилган. Денгиз биолог Уоллес Николс ўз китобида сузиш ёки оддийгина сув ҳавзалари яқинида бўлиш тушунлиқ даражасини пасайтиришни ёзган.

Сув аэробикасининг қатор фойдали жиҳатлари бўлишига қарамай, айрим хасталиклардан азият чекаётганларга тавсия этилмайди. Хусусан, эпилепсия, бронхал астма, тери касалликлари, юрак ва қон томирлар патологияси, орқа мия жароҳатларида спортнинг бу тури беморнинг ҳолатини янада оғирлаштиришига сабаб бўлади.

Машғулотлар пайтида махсус бош кийим ва кўзойнак тақишни унутманг. Сабаби, сув таркибидаги айрим кимёвий моддалар соғлиққа салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Сувдан чиқиб душ қабул қилиш ёдингиздан чиқмасин.

БАДАНТАРБИЯ

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё аҳолисининг учдан бир қисми табиий йод танқис бўлган шароитда яшайди. Ачинарлиси, уларнинг 30 фоиздан ортиғи — мактаб ёшидаги болалар.

Ош тузининг кунлик миқдори қанча?



Хўш, бу масалага нима учун глобал муаммо сифатида қаралади?

Исон танасида йод моддаси камайиши эндемик буқоқ, ақлий заифлик, перинатал ва чақалоқлар ўлимнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу элемент танқислиги туғма касалликлар даражасини оширади, ҳомила ва чақалоқларда миянинг қайтарилмас шикастланиши, интелтуал салоҳият пасайишига сабаб бўлади.

Хозир бундай хасталиклар минтақамизда ҳам ўткир муаммога айланиб бормоқда. Чунки Марказий Осиё йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган патологиялар кенг тарқалган эндемик минтақалар сирасига қиради.

Аслида, саломатлик учун зарур миқдордаги йодни турли денгиз маҳсулотлари истеъмоли орқали олса бўлади. Бирок ҳудудимизда бундай егуликлар кам учрайди. Бу омил эса мамлакатимизда “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинишига асос бўлди. Мазкур ҳужжатда давлат стандарти талабларига мувофиқ, ош тузи таркибида йод миқдори тоннасига 40 грамм миқдорда бўлиши белгиланган.

Сифатли ош тузининг қадонида ишлаб чиқарган ташкилот ва маҳсулот номи, товар белгиси, унинг нави ҳамда янчилиш даражаси, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилиқ муддати, йодлаш кўшимчаси номланиши ҳамда бошқа қатор маълумотлар акс этиши керак.

Ош тузларини 28 даражадан юқори бўлмаган ҳароратда сақлаш талаб этилади. Қотиб қолган, нам тортган, хидланган, яроқлилик муддати ўтган, қадоклари бузилган ош тузларининг фойдали хусусиятлари йўқолган бўлади. Уларни

истеъмол қилмаслик тавсия этилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ош тузи истеъмолини камайтириш бўйича янги тавсияларини эълон қилди. Қайд этилишича, туздан меъёрдан ортиқ фойдаланиш қон босими кўтарилиши, инфаркт, инсулт, буйрак касалликларига чалиниш хавфини оширади.

Шифокорлар кунлик натрий истеъмоли 2 граммдан ошмаслиги кераклигини тавсия қилади. Бу тахминан 5 грамм, янада соддароқ айтганда, бир чой қошиқ ош тузи деганидир.

Бирок ҳозирги кунда одамлар кунига 4,3 граммдан ортиқ натрий истеъмол қилмоқда. Ушбу кўрсаткич тавсия этилган меъёрдан қарийб икки баробар кўп. Ваҳоланки, бундан ўн икки йил аввал Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида авзо давлатлар билан 2025 йилга бориб, туз истеъмолини 30 фоизга камайтириш юзасидан келишувга эришилган эди. Аммо, афсуски, бу мақсад амалга ошмади. Шу боис белгиланган муддат 2030 йилгача узайтирилди.

Янги тавсияларга кўра, аънанавий ош тузи ўрнига калий тузидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали, аввало, қон босими меъёрлашиб, юрак-қон томир касалликлари хавфи камайди. Асаб тизими яхшиланади.

Калий тузи таъми ва хусусиятлари бўйича оддий туздан деярли фарқ қилмайди. Тўғри, калий тузи ҳали кенг оммалашмаган, айрим ҳудудларда эса сотувда топиш қийин. Қолаверса, нархи баъзи мамлакатларда оддий туздан биров қимматроқ бўлиши мумкин. Аммо бу моддани кенг истеъмолга қиритиш орқали муаммонинг самарали ечимини топса бўлади.

Феруза ТОҶИРОВА, тиббиёт фанлари номзоди.

ЭСЛАТМА!

ИССИҚ КУНДА ИССИҚ ЧОЙДАН ҚЎЙМАСИН!

Жазирама кунларда муздек сув ичиб, чанқогимизни босишга уринамиз. Музлаткичда турган мева-сабзавотларни истеъмол қилиб, ҳовуримиз пасайгандай туюлади. Айниқса, иссиқ забтига олганда, музқаймоқ гўё жонинг роҳати.

Акмал РАҲМАТУЛЛАЕВ, Миллий тиббиёт маркази директори ўринбосари.

Аммо ёз чилласида паст ҳароратдаги маҳсулотлар танани совитишга эмас, аксинча қиздиришга хизмат қилади.

Гап шундаки, юқори ҳароратда тана ўзини табиий совитиш хусусиятига эга. Айни сабабдан иссиқда кўп терлаймиз. Бундай пайтда муздек сув ичсак, нима бўлади? Тана, аввало, уни иситишга мажбур бўлиб, икки ҳисса кўп энергия сарфлайди. Оқибатда тана совиш ўрнига янада қизийди. Бу эса тана учун зўриқиш демак.

Худди шундай, музқаймоқ ёки оқсилга бой бошқа маҳсулотларни ҳазм қилиш учун ҳам тана ўзидан жуда кўп иссиқлик чиқариши керак. Бунинг учун, биринчи галда, тана ошқозонга тушган муздек маҳсулотни меърий ҳароратга қиздириши лозим. Оқибатда кучли чарчоқ ва ланжлик ҳисси юзага келади. Бош ёки юрак соҳасида оғриқлар пайдо бўлади.

Қолаверса, терлаб совуқ сув ичиш қон томирларини торайтириб, спазм ҳосил қилади ва танада овқатнинг



қайта ишлаш жараёнларини секинлаштиради.

Муздек суюқлик ёғли таомлар билан ичилганда, ёғнинг танага сўрилиши қийинлашади. Бу ҳам саломатлик учун жуда хавфли.

Шунингдек, паст ҳароратли маҳсулотлар овқат ҳазм қилиш учун зарур бўлган ферментлар ишлаб чиқарилишини блоклар, иммунитетни пасайтиради. Бундан ташқари, шамоллаш, ангина ва бурун-ҳалқум йўлининг бошқа касалликларига сабаб бўлиши мумкин.

Бежизга ота-боболаримиз ёзнинг жазирамасида ҳам иссиқ чой дамлаб ичишмаган. Айниқса, кўк чой кишига қувват бағишлаб, тананинг турли моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш тажрибада ўз исботини топган. Шундай экан, ҳар бир маҳсулотнинг таъсир хусусиятларини ўрганиб, кейин истеъмол қилсак, узоқ ва соғлом умр кечирамиз.

ХИДОЯТ ЁДУСИ

ЙИҒИЛГАН ПУЛНИ ЭҲСОН СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУМКИНИ?

Дилшод ЖУМАЕВ.
Жиззах вилояти:

— **ТОҶКА ЧИҚИШ УЧУН “ПУЛЛИ ГАП” УЙНАГАН ЭДИК. ОРАМИЗДАН ҲАР ОЙ ПУЛ БЕРИБ ТУРГАН БИР БОЛА ИШИ ЧИКИБ, БОРА ОЛМАЙДИГАН БУЛИБ ҚОЛДИ. БОШИДА ТОҶКА ЧИҚМАЙ ҚОЛСА ҲАМ ПУЛНИ ҚАЙТАРИБ ОЛМАСЛИК ШАРТ ҚИЛИНГАН ЭДИ. ЭНДИ УНГА ПУЛНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛАДИМИ ЁКИ РОЗИ БУЛСА, ЭҲСОН СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛСАК БУЛАДИМИ?**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Бу ҳолатда гарчи тоққа чиқса-чиқмасам, уша боланинг пулини ишлатиш мумкин. Чунки бу каби пуллар одатда эҳсон сифатида йиғилади. Шу билан бирга, саволдан маълум бўлишича, пул йиғишни бошлашда, тоққа чиқмасам ҳам рози бўлишга келишилган. Зеро, шариятга зид бўлмаган шарт (қилишувлар)ларга амал қилиш динимиз кўрсатмаларидандир.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 570 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: F-720

